

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 29 » марта 2019 у.

№ 261

Toshkent sh.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги хужжатларни  
тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш)  
тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон  
Республикасининг фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 27 ноябрдаги ПФ-5584-сон Фармони)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг  
фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил  
27 ноябрдаги ПФ-5584-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси  
қарор қиласди:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарори (Ўзбекистон  
Республикаси ҚТ, 2000 й., 7-сон, 42-модда) билан тасдиқланган Хорижий давлатларда  
таълим олганлик тўғрисидаги хужжатларни тан олиш ва нострификациялаш  
(эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисидаги низомнинг 13-бандида:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи-олтинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи-бешинчи хатбошилар  
деб ҳисоблансин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўzlари қабул қилган норматив-хукукий  
хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирилар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси  
Бош вазирининг биринчи ўринbosари – Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири  
А.Ж.Раматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари  
А.А.Абдухакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов